

Рўзанинг фазилатлари ҳақида (учинчи мақола)



14:00 / 07.05.2019 2189

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, у Райён деб номланур. Қиёмат куни рўзадорлар ундан кирурлар, улар билан бирга улардан бошқа бирортаси кирмас.

«Рўзадор қаерда?» дейилур. Улар ундан кирурлар. Уларнинг охиргиси кирганда, у бекитилур. Бошқа ҳеч ким ундан кирмас», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда охиратда рўза ибодатининг фазли бошқа ибодатлардан кўра қанчалик улуғ бўлиши баён қилинмоқда.

Қиёмат куни рўзадорлар жаннатга киришлари учун Райён исмли алоҳида эшик очилар ва ўша эшикдан «Рўзадорлар қани?» деб чақирилар экан. Шундан сўнг улар жаннатга киритилар, рўзадорларнинг ҳаммалари кириб бўлганларидан кейин бошқа ҳеч ким киритилмай, у эшик бекитиб қўйилар экан. Рўзадорларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, улар учун алоҳида эшик очилиб, ана шу эшикдан алоҳида кирар эканлар.

Бунн ҳозирги кундаги ҳамма киришни хоҳлаган жойларга маълум сабабларга кўра баъзи кишиларга имтиёз берилиб, уларнинг алоҳида эшикдан киритилишига қиёслаш мумкин.

Қиёмат куни ҳамма жаннатга тезроқ киришга уриниб турган бир пайтда рўздорларга имтиёз берилиб, «Райён» номли махсус эшикдан киритилишлари ҳаммамиз бу дунёда рўздорлардан бўлиб, ўша эшикдан ҳурмат билан жаннатга кириш бахтига эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз кераклигини билдиради. Илоҳим, барчамизни ана шулар жумласидан қилсин!

(давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан